
Фурқат туманида маҳаллаларни ободонлаштириш, ҳудудлар қиёфасини яхшилаш ва аҳолига қулайлик яратиш борасидаги ишлар уюшқоқлик билан амалга оширилмоқда.

Тумандаги корхона ва ташкилотларда, маҳалла фуқаролар йиғинларида аҳоли вакиллари ҳамжиҳатликда ҳашар йўли билан катта йўл бўйлари, ариқ ва зовурларда тозалаш, ободонлаштириш, манзарали дарахт кўчатлари, терак қаламчалари экиш ишлари амалга оширилмоқда.

Маълумот ўрнида, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасининг баҳор мавсумида туманда 334 минг дона манзарали ва мевали дарахт кўчатлари, қаламчалари экиш ишлари режалаштирилган. Айни кунларда 154 минг дона кўчатлар экилди.

Жойларда, маҳалла ва муассасаларда дарахт экиб, боғ яратиш ўзгача шукуҳ билан давом эттирилмоқда.

2023-03-06 15:42:49